**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Ўзгидромет**
**бош директори ўринбосари,**
**танлов комиссияси раиси**

**_____Ф.Б. Сафаров**
**“___” _____ 2022 йил.**

*2022 йил 19 декабрь* *Тошкент шаҳри*

2022 йил Республика аэродромларидаги метеорологик ускуналарни қиёсловдан ўтказиш хизматини сотиб олиш бўйича харид комиссиясининг навбатдаги
4- **сон йиғилиш БАЁННОМАСИ**

Ўзгидромет Бош директорининг 2022 йил 13 декабрдаги 388- Т-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзгидромет харид комиссия аъзолари рўйхати.

**Комиссия раиси:**

1 Ф.Б. Сафаров - Ўзгидромет Бош директори ўринбосари

**Комиссия раиси ўринбосари:**

2 Қ.М.Кулумбетов - Бош директор маслаҳатчиси

**Комиссия аъзолари:**

3 А.Б.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи

4 С.Исхакова - Юридик бўлим бош юристконсулти в.в.б.

5 С. Халияров - Инвестицион лойиҳаларни мувофиқлаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи

## КУН ТАРТИБИ

1. Талабгорлар томонидан танлов ҳужжатлари талаблари асосида тайёрланган таклиф ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва танлов ғолиблигига номзодни танлаш.

(Ф.Сафаров, Қ.Кулумбетов, С.Халияров, А.Нарзуллаев,С.Исхакова )

2022 йил Республика аэродромларидаги метеорологик ускуналарни қиёсловдан ўтказиш хизматини сотиб олиш бўйича давлат харидлари махсус ахборот порталида (etender.uzex.uz) 2022 йил 29 ноябрда жойлаштирилган энг яхши таклиф бўйича эълонга (лот № 22110012200448) асосан талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилди.

Танлов комиссияси раиси Ф.Сафаров сўзга чиқиб, иштирокчилар томонидан тақдим қилинган танлов таклифлари тўпламини танлов ҳужжатлари таркибида берилган техник ва тижорат баҳолаш мезонларига асосан кўриб чиқиши ҳамда танлов хужжатларининг талабларига мос келмаган ва тегишли тарзда расмийлаштирилмаган деб топилган иштирокчининг таклифлари танловдан дисквалификация қилиниши ва таклифи рад этилишини маълум қилди.

2022 йил Республика аэродромларидаги метеорологик ускуналарни қиёсловдан ўтказиш хизматини сотиб олиш бўйича ўтказилган энг яхши таклифни танлашда қуйидаги ташкилотлар қатнашганлигини айтиб ўтди:

1) “SURXON” МЖЧ

2) “GREENCITY” ХК

3) “STANDARTLASHTIRISH METROLOGIYA VA SERTIFIKATLASH” маркази

4) “STANDART VA METROLOGIYA” МЧЖ

Шунингдек, муҳокамага қўйилган масала юзасидан **2 (икки)** иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмаганлиги ва норозиликлар билдирилмаганлиги маълум қилди.

Шундан сўнг тақдим этилган таклифлар ва тегишли ҳужжатлар муҳокама қилиниб, “STANDART VA METROLOGIYA” МЧЖни ғолиб деб топиш ва шартнома тузиш бўйича таклиф берилди. Комиссия раиси таклифни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси: «Рози» - 5, «Қарши» - 0, «Бетараф» - 0.

Мажлис иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиб, харид комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2022 йил Республика аэродромларидаги метеорологик ускуналарни қиёсловдан ўтказиш хизматини сотиб олиш бўйича тақдим этилган таклифлар ва тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, “STANDART VA METROLOGIYA” МЧЖ таклифи бир овоздан маъқуллансин.
2. “STANDART VA METROLOGIYA” МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ, деб белгилансин.

**Харид комиссияси масъул котиби:** С.Орипова

**Харид комиссияси аъзолари:**

_____ Қ. Кулумбетов

_____ А. Нарзуллаев

_____ С.Исхакова

_____ С. Халияров